**Кутубхоналар инсонлар маънавиятини оширишда муҳим рол ўйнайдиган даргоҳдир. Тарихга назар ташласак, ёзувнинг пайдо бўлиши ва ҳужжатли манбалар, қўлёзма ва кейинчалик босма китобларнинг кўпайиши кутубхоналарнинг юзага келишига шароит яратди. Жуда қадимда ёзма ёдгорликларни сақловчи хазина сифатида пайдо бўлган кутубхоналар барча даврларда ҳам инсоният маънавий тараққиёти учун хизмат қилган. Газетамизнинг ушбу сонидан бошлаб "DUNYO KUTUBXONALARI" рукни остида турли мамлакатларнинг бири биридан кўҳна ва машҳур кутубхоналари ҳақида ҳикоя қиламиз.**



## Александрия кутубхонаси:
# КЎҲНА ОЛАМ ДОНИШМАНДЛИГИ

Мисрнинг Александрия кутубхонаси бутун дунёга машҳур. Кутубхона антик оламнинг энг кенг ҳажмдаги билимлар жамланмаси ҳамда асосий илмий марказлардан бири бўлиб, унда жамланган беш юз мингга яқин бебаҳо қўлёзмалар орасида Эсхил, Софокл, Еврипид ва бошқа антик дунё олиму донишмандларининг асарлари бор эди.



Фотиҳлар аввало кимларни бошқаришга киришганларини билишлари шарт – бу Александр Македонский қатъий амал қилган, изоҳ талаб этмайдиган ҳақиқат эди. Эрамизгача III асрдаги буюк эллинлар (греклар) китобларни йиғиш ва маданий ва сиёсий мақсадлар учун уларни ўз она тилларига таржима қилиш билан шуғулланган биринчи ва ягона сулола бўлган эмас. Қадимги хеттлар ва ассирияликлар ҳам турли тиллардаги матнлардан архивлар ташкил этишни билишган, Парфия шоҳи Ксеркс эса урушда қўлга киритилган ҳарбий ўлжалардан кутубхона ташкил этишга ҳаракат қилган. Александрия кутубхонасининг пайдо бўлиши ҳам антик дунё тарихида мисли кўрилмаган интеллектуал имкониятлар билан боғлиқдир.

Александрия кутубхонаси тамал тоши фиръавнлар сулоласи тугагандан сўнг грек сулоласининг Мисрдаги биринчи подшоси Птолемей томонидан қўйилган. Кутубхона дастлабки структурасини Афина кутубхоналари қурилмалари билан жуда яхши таниш бўлган афиналик давлат намояндаси Деметри Фалернский ишлаб чиққан. Кутубхона қурилиши эрамиздан аввалги учинчи аср бошида якунланган.

Александрия кутубхонасини тўлдириш муаммоси ўзига хос тарзда ҳал этилган. Миср амалдорлари барча тобе мамлакатлардан грек қўлёзмаларини кутубхонага жамлай бошладилар: Александрия портига турли давлатлардан кириб келган кемаларда агар адабий асарлар бўлса, уларни кутубхонага сотиши ёки нусха кўчириб олиш учун топширишлари керак бўлган. Айрим ҳолларда, агар қўлёзмалар ўзида ҳеч қандай қизиқиш уйғотмаса, улар ортга қайтариб юборилган. Афсоналардан бирига кўра, Птолемей III Софокл, Эсхил ва Эврипид трагедияларининг асл нусхалари учун Афина архивига катта миқдордаги пулни гаров тариқасида тўлайди. Матнлар нусха кўчириб олинганидан сўнг қайтарилиши ваъда қилинган бўлса-да, Афина уларни қайтиб кўрмаган... "Китоб – бу кучли иштиёқ, уларни коллекция қилиш эса – касалликдир" – деган сўз айнан Александрияда туғилганлиги бежиз эмас.

Кутубхона сақловчилари қўлга киритилган барча китоблардан нусха олишган, юзлаб билимли қуллар ҳар куни минглаб қўлёзмаларни саралаш ва қайта ёзиш билан шуғулланган. Аксарият китоб эгалари Мисрдан ўз нашрларининг асл нусхаларисиз чиқиб кетишган, имкон топганларгагина китобларидан нусха берилган. "Кемаларда келтирилган" асл нусхалар кутубхона омборларига жўнатилган ва "кема кутубхонаси" деб номланган. Шу тариқа Александрияда тиббиёт адабиёти, жумладан, Гиппократнинг "Юқумли касалликлар" асари пайдо бўлган.

Александрия кутубхонаси жамғармасида турли даврларда икки юз мингтача етти юзгача қадимги қўлёзмалар сақланган. Кутубхона музей билан бирлаштирилиши натижасида биринчи университетга айланди. Бу ерда фаолият олиб борган Эвклид геометрияга асос солди, Аристарх Ернинг Қуёш атрофида айланиши тахминини илгари сурди, Эратосфен ниҳоятда аниқлик билан сайёрамиз айланишини ҳисоблаб чиқди, Геофил эса инсон танасини анатомлаштирди ва ақл одамнинг юрагида эмас, бошида эканлиги тўхтамига келди.

Етти аср мобайнида кутубхонада юзлаб олимлар иш олиб бордилар – ўргандилар, ўқидилар, муҳокама қилдилар ва ўзларининг шоҳ асарларини яратдилар. Улар ҳукмдор фармонига кўра ишлаб чиқарилиши мутлоқ сир тутилган папирусларга ёзганлар. Пергамдаги ёш кутубхона фаолиятини ривожлантириш ва Александрияни дунё маданият маркази сифатида сақлаб қолиш учун Птолемейлар папирусларни Мисрдан экспорт қилишни тақиқлаб қўйган. Ўша пайтда Пергамда терилардан китоблар тайёрлаш учун асосий материал ишлаб чиқарадиган қадимий технология қайта тикланади.

Птолемейлар фармонига кўра, Пергам кутубхонаси юз йиллдан ошиқроқ Александрия кутубхонаси билан рақобатлашади. Ниҳоят, баҳс Александрия кутубхонаси фойдасига ҳал бўлади: ҳамма тан олган фактга кўра, Марк Антоний шаҳар учун жуда катта илтифот кўрсатади – Пергам кутубхонасидан 200 минг томни ўғирлаб Клеопатрага совға қилади.

Эрамиздан аввалги 283 йилда 30 дан 50 нафаргача олимлар кутубхонага олиб келинади. Уларга ақл бовар қилмайдиган (ҳукмдор саройида юқори ҳурмат-эҳтиром остида яшаш, қироллик хазинаси ҳисобидан овқатланиш, солиқ тўлашдан озод этилиш) шарт-шароитлар яратилиб берилади. Аммо донишманд Птолемейлар ушбу барча эзгуликларни доимий сергаклик билан назорат қилиб туришган. Олимлар ўша пайтлардаёқ қирол иштирокида симпозиумлар ва давра суҳбатлари ташкил этишиб, илмий, адабий ва фалсафий муаммоларни муҳокама қилишни йўлга қўйишган. Шу тариқа математика, география, астрономия, тиббиёт – барчаси подшоҳ марҳамати остида Александрия кутубхонасида фан сифатида пишиб-етилди. Бебаҳо ва нодир китоблар буюк кашфиётларга йўл очди. Астрономия ҳамда унга боғлиқ бўлган математика ва механика Архимед тадқиқотларининг тизимли фанига айланиб, Нил қуйилишини ўрганишга сабаб бўлди. Бу ерда у гидростатика (гидромеханиканинг суюқликлар мувозанати ҳақидаги бўлими)га асос солди ва "Архимед ричаги"ни кашф этди. Эвклид эса математикада буюк кашфиётлар қилиб, ўзининг "Муқаддима"сини ёзди.

*(Давоми бор.)*

***Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ***
***тайёрлади***

**Телефон ва алока соҳаси борасида илк тасаввурларим шакллана бошлаган пайтда бир нарса доимо мени ҳайратга солган. Телефон гўшаги ўз жойида турган вактида нега ўртоғимнинг уйидаги аппарат жиринглаймайди? Мен гўшакни кўтариб, керакли рақамни тергач, бошка эмас, айнан мен рақамини териб чакирган ўша синфдошим гўшакни кўтаради? Ўша пайтларда бизни улаб турган факат симлар эмас, ўртада воситачилик килиб турувчи кандайдир мослама борлигини англардим, аммо тушунчаларимда аниклик йўқ эди.**

# Реле: “отимни алмаштиринг”

Кейин билсам, рақамлар терилиши билан симлар орқали электр сигналлар юборилар ва автоматик телефон станциясида ишловчи реле электр сигналлар буйруғига бўйсуниб, бир телефонни иккинчисига улар экан. Бу ҳақида кейинроқ “Болалар энциклопедияси”да ўқиган эдим. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида фаолият олиб борувчи ҳар бир ходим бу жараённи жуда яхши тушунади. Уларга бу ҳақда маълумот бериш ортиқча. Аммо ахборотлаштириш ва алоқада жуда муҳим аҳамияти касб этувчи мослама — реленинг пайдо бўлиш тарихи, сўз маъноси, шунингдек, у фақат алоқа ва телеграфга тааллуқли эмаслиги, кўплаб соҳаларда реле таянч мосламага айланган, ҳатто улар сони сайёрамиз бўйлаб миллионларни ташкил қилишини ҳамма ҳам билмайди. Уларнинг коинотда ҳам фаолият олиб бораётганига нима дейсиз? Қуйида шу тўғрисида.

Реле тарихидан ҳикоя қилувчи манбаларда берилишича, қадимда — почта ва телеграф хизмати мавжуд бўлмаган пайтда ҳам одамлар ўзаро ахборот алмашишга эҳтиёж сезган. Ахборот алмашишнинг асосий воситаси бўлган хатларни эса чопарлар, баъзи ўринларда кабутарлар ташиган. Алоқа тарихи музейига ташриф буюрсак, почта хизматининг пайдо бўлишида аҳамиятли бўлган кўплаб экспонатлар билан танишамиз. Масалан, чопарлар юрган йўллар, уларнинг кийимлари, ахборот алмашишнинг турли усуллари ва ахборот узатиш турлари, почтачиларнинг аждодлари минган от макети эътиборингиздан четда қолмайди. «Реле» сўзи ана шу чопарлар давридан бери мавжуд, у шундай қадимий сўз деб айтилса ҳеч ҳам ҳайратланманг. Чунки реленинг пайдо бўлиш тарихи айнан ўша даврларга бориб тақалади.

Қадимда дунёнинг бошқа давлатлари каби Францияда ҳам чопарлар ёрдамида хабарлар узатилган. Бу хизматдан одатда жамиятнинг юқори қатлами, яъни зодагонлар, қироллар фойдаланган. Қиролнинг чопарлари мамлакатнинг турли бурчаклари ва бошқа ҳудудлардан турли муносабатлар билан хабарлар олиб келиб турган. Маълумки, узоқ манзилларга етгунча йўл узоқлиги сабаб отлар чарчаб қолган. Битта от билан сафарга чиқиш жуда кўп машаққатларга олиб келган. Иккита-учта отни олиб юриш ҳам мантиқсиз ҳолат. Шунинг учун йўлларда махсус тўхташ нуқталари — отхоналар (почта станциялари) қуришган ва ўша ерда отбоқарлар асосий транспорт воситаси саналган отларни боқиб, уларни чопарлар



келишига тайёр ҳолатга келтириб қўйишган. Бундай жойлар почта бекати номи билан аталган. Муҳим хабар билан келаётган чопар почта бекатига кириши билан «Реле» деб бақирган. Бу эса чарчаган отни алмаштириш кераклигини англатган. Узоқ йўлдан чарчаб келаётган от бошқасига алмаштирилган. Шу йўсинда чопар ўз йўлида давом этган.

Кейинроқ тараққиёт натижасида бу каби чопарларга ҳожат қолмайди. Унинг ўрнини электр телеграф эгаллайди. Телеграфда ахборот узатиш жуда осон ва қулай ва вақтни, ишчи кучини тежаши билан аҳамиятли эди. Телеграф ходими тугмани босса, электр токи батареядан симлар орқали кейинги станцияга етиб боради ва у ерда электр аппаратини ишга тушириши орқали ахборот осонгина ўз манзилига етади. Аммо бунда ҳам баъзи муаммолар пайдо бўла бошлади. Электр токи узоқ масофага етиб бориши керак бўлса, кучсизланган ток аппаратни ишга туширишга «ярамай қоларди». Бу эса бир вақтлар чопарлар йўлларига отхоналар қурилгани каби, телеграф линиясини участкаларга бўлиш эҳтиёжини пайдо қилди. Ҳар бир участканинг охирида эса электр батарея ва «реле» деб номланган махсус аппарат ўрнатилди. Шу тариқа «реле» яна энг керакли ва шошилинч пайтда кўмакчи мослама бўлиб қолди. Мосламанинг асосий вазифаси кучсизланган электр сигналини қабул қилиш билан автоматик равишда электр батареясини ишга туширишдир. Кучайтирилган ток эса ўз йўлида давом этади. Телеграф алоқа линияларида электромагнит релелар ишлатилади. Умуман олганда, реле бу электромеханик мослама бўлиб, занжирлардаги электр токининг йўналишини ўзгартириш учун хизмат қилади.

“Википедия” электрон манбасида берилишича, биринчи реле океанортилик олим Ж.Генри томонидан 1831 йилда ишлаб чиқилган бўлиб, реленинг «шажара бошиси» ҳисобланган биринчи аждоди электромагнит ҳаракатига асосланади, яъни биринчи ишлаб чиқилган реле коммутацион (электр токининг йўналишини ўзгартирувчи) бўлмаган. Илк коммутацион реле америкалик олим С.Бриз Морзе томонидан 1837 йилда ишлаб чиқилган. Кейинчалик ундан телеграф аппаратларида фойдаланилган. Ўша манбада келтирилишича эса «реле» сўзининг инглизча «real» шакли ҳам мавжуд бўлиб, станцияларда почта отларини алмаштириш кераклигини англатиш билан бирга, хабар, хат жўнатиш маъноларида ҳам ишлатилади.

Бу мосламанинг тузилиши тўғрисида мактабдаги физика дарслариданоқ бизга маълумотлар берилган. Уни ясаш учун оддийгина магнитизм мавзусидаги электромагнит ҳосил қилувчи ғалтак каби сим ўралган ғалтак керак бўлади. Ғалтакнинг ичида темир стержен, яъни ўзак жойлашиши зарур. Маълумки, симга электр токи уланса, темир ўзак ўз-ўзидан магнитга айланади. Магнит эса металл буюмларни ўзига тортади. Магнитланган ўзак пўлат пластинка электр контактларни бирлаштиради. Яъни, кучни бир жараёндан иккинчисига йўналтиради. Реленинг турлари жуда бисёр. Демак, реле фақат телеграф ва почта соҳаси учун мўлжалланган эмас. Масалан, уйимиздаги совутгичнинг даражаси керакли ҳолатдан тушиб кетса, реле ишга тушиб, совитиш тизимидан ажратиб қўяди. Шундан совутгич бир қўшиғини айтиб, бир “шиқ” этиб ўчиб қолади. Бироқ бир нарсани назардан қочирмаслик керакки, совутгичдаги биз юқорида тасвирлаб берган электр релеси эмас. Уни иссиқлик релеси деб аташади. “Болалар энциклопедияси”да реле тўғрисидаги мақолада берилишича, иссиқлик релесида электр магнит ўрнига махсус металл бурма найча қўйилган. У совуқдан қисқаради, иссиқдан эса кенгаяди. Қисқараётганда ва кенгаяётганда бурма найча унга уланган ричагни тортади. Бу ричаг совутгичда ҳарорат ошиб кетса, уни ишга туширади, пасайиб кетса, уни тўхтатади.

Шу ўринда реленинг фаолияти ҳаётимизнинг ҳар соҳасида зарурлиги борасида яна бир неча мисолларни келтириб ўтмоқчиман. Тўғрисини айтсам, илгари тунлари кўчаларда зиё улашиб турувчи чироқларни кечқурун ёқиб, эрталаб ўчириб юрувчи «реле амаки» эканини билмас эканман. Ҳозир электромагнит релелар ўрнини электрон релелар ҳам эгаллаётгани бор гап (масалан, тристор). Шунингдек, реле ҳаводаги газ ва бошқа моддаларнинг миқдорини аниқлаб, шунга қараб ҳам ҳаракатлана олади. Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида берилишича, реле — (французча — «relayer» алмаштирмоқ) бирор қурилма ёки жараённинг параметрлари қиймати ёки йўналиши ўзгарганда ижро этиш механизмига таъсир қиладиган автоматик қурилмадир. Манбада берилишича, назорат қилинадиган параметрлар (босим, ҳарорат, кучланиш ва бошқалар)га қараб, акустик, вақт, ҳимоя, механик, оптик, иссиқлик, электромагнит, ўлчамлар релеси каби турларга бўлиниши ҳам таъкидлаб ўтилган.

Айтайлик, акустик реле частота, босим тебранишларни ҳисобга олган ҳолда моддаларнинг ютилиш ва қайтариш коэффицентини назорат қилади. Жуда кўплаб техник асбобларда реленинг бу туридан кенг фойдаланилади. Маълум вақтдан кейин ўзидан ўзи ишлаб, маълум вақтда фаолиятини тугатувчи ишловчи қурилма ва асбоблар борлигини кузатганмиз. Уларнинг мўъжизаси вақт релесидан фойдаланганлигидадир. Вақт релеси автоматик қурилма узеллари орасида ёки 1-қурилмадан 2-қурилмага таъсирлар узатишда зарур кечикиш ҳосил қилади. У сезувчи-қабул қилувчи (бошқариш сигнали келганда релени ишга туширувчи), секинлаштирувчи ва ижро этувчи (бошқариладиган қурилма ёки схемага таъсир этувчи) қисмлардан ташкил топган. Секинлаштириш усулига қараб, вақт релесининг ўзи ҳам электр, механик, электромеханик, термик, гидровик ва пневматик хилларга бўлинади. Ҳимоя релеси электр узатиш линиялари ва электр қурилмаларини қисқа туташув ва нотўғри тартибдан сақлаш учун қўлланилади.

Бугунги кунда техник асбоблар ишлаб чиқарувчи корхоналарга релелар етказиб берувчи алоҳида компаниялар ҳам фаолият олиб боради. Шулардан бири «Финдер» саноат компаниясидир. «Финдер» Италияда 1954 йилда ташкил топган бўлиб, олдинига унчалик машҳур бўлмаган бу кичик фирма бутунги кунда реле ишлаб чиқариш бўйича етакчи ўринларни эгаллаган. Ҳозир бу компания 50 мингдан ошиқ турдаги электротехник маҳсулотларни таклиф қиляпти. Бу маҳсулотлар ичида вақт релелари (электр асбобларни ўчирувчи таймерлар, модулли, мустаҳкамланган ва кўчма релеларни мисол қилиб келтириш мумкин), ёруғлик уловчи, импулси типдаги (электронли ва модулли), интерфейс модулли, куч билан ишловчи, инфрақизил нурлар дефектори, барқарор модулли ва назорат релеси кабилар мавжуд. Демакки, релелар тури ҳам кўп ва уларга ҳар соҳада талаб катта.

Ҳозирги ахборотлашган жамиятда хат жўнатиш бир неча сониялик иш. Бир пайтлардаги каби чопарларга ҳожат йўқ. Бугунги техника учун минглаб чақиримлик масофалар писанд эмас. Буларнинг бари реленинг хизмати туфайли эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки бу мўъжизадек фаолият олиб борувчи асбобсиз техника оламини, хусусан, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини тасаввур қилиб бўлмайди.

*Санобар ЖУМАНОВА*

# Навоий ва ёшлар тарбияси

**Ёшларни тарбиялашда барча таълим-тарбия муассасалари, ижтимоий-маънавий ва маърифий фаолият билан шуғулланувчи ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари, мактаблар, коллеж ва лицейлар ҳамда олий ўқув юрти муассасалари жамоатчилиги, маҳаллалар, хотин-қизлар қўмиталари, оила марказлари, миллий маданият марказлари, ички ишлар вазирлигининг тегишли бўлимлари ўз ваколатлари доирасида иш олиб бормоқдалар.**

Бундай муассасалар орасида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари, бошқа муассасаларга тегишли кутубхоналар алоҳида ўрин тутади. Чунки, бу муассасаларда инсон тарбияси учун асосий қурол — босма ва электрон шаклдаги ахборот ресурслари бор.

Баркамол инсоннинг билими, ахборот маданияти, дунёқараши, илмий ва интеллектуал салоҳияти, малакали ва моҳир мутахассис бўлиб етишиши ҳар жиҳатдан ана шу ташкилотлар фаолиятига боғлиқ.

Комил инсон ғояси буюк Алишер Навоийнинг барча асарларида (масалан, “Ҳайрат ул-аброр”, “Лисон ут-тайр”, “Вақфия”, “Фарҳод ва Ширин” каби) мукаммал ишлаб чиқилган.

Навоий ижодига яна бир назар ташлар эканмиз, биргина 3988 байтдан иборат “Ҳайрат ул-аброр” достони бошдан-оёқ тарбия масалаларига, улуғ зот — инсонни шарафлашга бағишланганига яна бир карра амин бўламиз.

Навоий достонининг муқаддимасида Аллоҳнинг барча мавжудотлар ичида инсонни энг улуғ, ўзи учун энг севимли зот қилиб яратганини, унинг барча улуғлардан улуғи эканини, ҳамма нарса инсон учун яратилганини ёзади. Навоий, демак, инсон энг улуғ зот экан, ҳар бир инсон ана шу улуғ номга шарафли бўлиш учун ҳаракат қилиши лозим, дейди. Ана шу ғояни болаликдан ҳар бир ёшга сингдириб бориш зарур эканлиги ҳозирги кун талабларидан бири. Ана шунда улуғ номга доғ тушириши мумкин бўлган ишлар юз бермайди. Инсоннинг бошқа мавжудотлардан энг имтиёзли фарқи унинг сўзи эканини ёзади. Икки ҳарфдан иборат “кун” сўзи билан олам яралганини, Масиҳ чиройли сўз ёрдамида ўликни тирилтирганини ёзиш билан сўзнинг катта таъсир кучини кўрсатади. Кишиларни сўзнинг қадрига етишга, чиройли сўзлашга, ундан эҳтиёткорлик билан фойдаланишга чақиради. Инсоннинг сўзи унинг кимлигини аён этишини таъкидлайди. Маънони сўзнинг жони деб билади. Агар гўзал бир инсон бошқаларнинг рашкига сабаб бўлувчи гўзалликка эга бўлгани билан хунук сўзласа, бу унинг гўзаллигига путур етказади ёки аксинча, чиройли сўз ҳар қандай хунук одамни ҳам меҳрли, чиройли қилиб кўрсатишига ишора қилади. Сўз тинглаш, сўз айтиш одоби ҳақида фикр юритади. Бу жиҳатлар ҳам ҳозирги кунимиз ва келажагимиз бўлган ёшлар тарбиясида муҳим. Кўпинча сўз тинглаш, сўз айтиш одобини билмаган, бошқаларнинг ҳурматини ва айниқса, ўзининг қадр-қимматини бир сўз билан йўққа чиқараётган ҳолларни учратамиз. Навоий инсон кўнглини Каъбага тенглаштиради. Инсон кўнглини бир сўз билан вайрон қилиш ёки бир сўз билан юксакликка кўтариб, Каъбани зиёрат қилганчалик савоб олиш мумкин, дейди. Достоннинг олти мақолати, яъни бешинчи мақолатидан ўнинчи мақолатигача инсоннинг энг яхши фазилатларини улуғлашга бағишланган. Булар карам, ишқ, вафо, садоқат, ростлик, сабр-тоқат, қаноат, сахийлик, илм олишга бўлган интилишлар. Мақолатларнинг ҳар бирида, ҳар бир бобида ана шу фазилатларнинг бири ҳақида фикрларини бериш билан бирга, шунга оид ривоятлар, афсоналардан, ибратли ҳикоятлардан мисоллар келтиради. Карамли, саховатли бўлишнинг мазмуни, аҳамияти, моҳияти, тартиб-қоидаларини бериш билан унинг исрофдан фарқини билиш кераклигини уқтиради. Ном қозониш учунгина бойлигини сочиш гуноҳ эканлигини кўрсатади. Бу хислатни ҳам замонамиз кишилари билиши, англаши зарурлиги кўриниб турибди. Ном қозониш, обрў олиш учунгина бутун бойлигини бошқалардан ўзиб кетиш учун сарфлаётган, беҳуда сочаётганлар қанча. Сахийликни ҳам тўғри маънода қабул қилиш керак, тиламагунча бермаган одамни сахий деб бўлмайди, дейди. Саховат беминнат бўлиши, саховатни ҳам оқилона қилиш кераклигини тушунтиради. Инсон учун зарур хислатлардан бири адаб ва ҳаё эканлигини, ҳар бир инсон одобли, ҳаёли, ота-онага, каттаю кичикка ҳурматли, иззатли бўлиши зарурлигини уқтиради. Бу ҳам биз учун ёшлар тарбиясида эътиборли жиҳатлардан бири. Айниқса, шоир таъмани қоралайди. Бировдан бирор нарсани таъма қилишнинг жуда катта одобсизлик ва гуноҳ эканлигини ёзади. Бу фазилат ҳам ҳозирги давримиз учун зарурдир. Чунки, таъмагирлар орамизда учраб туради. Бу эса одамларнинг бир-бирига ишончини, ҳурматини, илм олишга интилишини синдирадиган, одамларда одоб ва ҳаёни, андишани йўқотадиган ҳолатдир. Навоий бировга яхшилик қилишни беминнат, бирор нарса таъма қилмасдан қилиш кераклигини таъкидлайди. Бир таъмагир билан қаноатли киши ҳақидаги ҳикоятни бериш билан қаноатли бўлишнинг қанчалик даражада мукофот келтиришини ёзади. Қаноатнинг катта маънавий бойлик эканини, кишини юксакликка олиб боришини кўрсатади. Демак, ҳаётимизда учраб турадиган “сендан угина, мендан бугина” қабилидаги ишларни йўқотиш учун Навоийни ўқиш, уқиш керак бўлади. Навоий карамни бахилликка қарши қўяди. Халқимизда “бахилнинг боғи кўкармас”, деган мақол бекорга айтилмаган. Навоий ҳам инсоннинг улуғ номи учун бахиллик ярашмаслигини, бахиллик шу кишининг ўзига фақат зарар келтиришини мисоллар билан кўрсатиб беради.

Достоннинг яна бир асосий жиҳати илм олишни, халққа фойда келтирадиган инсон бўлишни улуғлашидир. Навоий кишиларни халққа наф келтиришга, халқ учун хизмат қилишга, қўлидан бир иш келмаган тақдирда ҳам сўзи билан одамларга яхшилик қилишга чақиради. Илмли бўлишнинг хосиятини, илмли одамнинг фақат юксакликда туришини, илмсизнинг эса доимо тубан бўлишини ёзади. Илм олиш, ҳунарли бўлиш билан ҳақиқий маънода инсон бўлиш кераклигини тарғиб қилади. Илмли инсон, илм олишга интиладиган одамда бахиллик, ҳасадгўйлик, жоҳиллик бўлмаслигини айтади. Ҳасад, бахиллик ўтидан сақланишни таъкидлайди. Чин одамийлик халқпарварликдан, ватанпарварликдан, одамларга беғараз яхшилик қилишдан иборат, дейди. Яхшиликни ҳам самимий, очиқ юз ва хушмуомалалик билан қилиш керак, дейди. Одамийликнинг одамийлиги инсонлардаги интиқомга, қасос олишга интилмаслик, ёмонлик қилган одамга, жафо қилган одамга ҳам яхшилик қилиш, вафо билан жавоб қайтаришда деб кўрсатади. Бу тарбия ҳам бугунги кунимиз учун зарур. Чунки, турли соҳа кишилари орасида арзимаган нарса учун интиқом олишга, қасос олишга, мен сендан қолишмайман, аксинча, мен устунроқман қабилида жабр етказишга ҳаракат қилганларни кўрамиз. Демак, яна Навоийга мурожаат қилишимиз, уни кўпроқ ўқишга, уқишга ҳаракат қилишимиз зарурлиги сезилиб қолади.

Навоий асарлари кишилар, айниқса, ёшларимиз тарбиясидаги асосий дастуриламалдир. Шунинг учун ҳам бу асарлар беш асрдан бери кишилар тарбиясида қўлланиб келиняпти. Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, бугунги кун кишиларини, келажагимиз бўлган ёшларимизни комил инсон даражасида тарбиялашда Навоийнинг ижодига ҳар куни мурожаат қилишимизга тўғри келади. Ўқув адабиётларида берилаётган Навоий ҳаёти ва ижодига оид маълумотлар фақат Навоий ижодини билишга, ўқишга йўлланма беради, холос. Турли ёшдаги китобхонларга мўлжаллаб нашр этилаётган Навоий асарлари анчагина. Фақат уларни ўқиш, ахборот-кутубхона муассасаларидаги мутахассислар, ўқитувчилар, устозлар, тарбиячилар учун эса уларни ўқишга, уқишга, тушунишга ёрдам бериш вазифаси турибди.

Ёшлар тарбиясида муҳим аҳамиятга эга бўлган Алишер Навоий асарларини китобхонларга, истеъмолчиларга, талабгорларга тезкорлик билан етказиб бериш, улардан фойдаланишнинг қулай, самарали усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётда фойдаланишга жорий қилиш мақсадида, замон талаблари асосида “Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик” йўналиши талабалари билан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳамкорликда Алишер Навоий 20 томлик “Мукаммал асарлар тўплами”нинг тўлиқ матнли маълумотлар базаси яратилмоқда, Навоий ҳаёти ва ижодига оид библиографик кўрсаткич тайёрланмоқда. Бу ишлар кафедрамизнинг Алишер Навоий таваллудининг 570 йиллик юбилейига муносиб совғаси бўлади.

*Зуҳра БЕРДИЕВА,*
*ТАТУ “Ахборот технологиялари” кафедрасининг катта ўқитувчиси*

## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

***“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Андижон филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси жамоалари Шаҳрихон почта алоқаси тармоғи ходими Сойибназар СУЛТОНОВни қутлуғ 60 ёши билан самимий муборакбод этади. Унга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, фарзандлари бахту иқболини кўришликни тилайди.***

* * *

***“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Қува почта алоқаси тармоғи ходими Рустамжон ЖЎРАБОЕВни 55 ёши билан самимий табриклайди. Унга мустаҳкам саломатлик, узоқ умр, фарзандлар камолини кўришликни тилайди.***

* * *

***“ЎзИ-Термиз” филиалининг техник бўлим бошлиғи Муҳиддин ДУРДИЕВ қутлуғ 50 ёшга тўлди. Шу муносабат билан филиал жамоаси уни чин кўнгилдан табриклаб, мустаҳкам соғлиқ ва оилавий бахт тилайди.***

**Xabar да рекламани жойлаштириш**



Телефонлар: 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72.

E-mail: info@xabar.uz



# ИЛК ЯРИМ ФИНАЛ: ҚАЙҒУЛИ ҲИСОБ

Ўзбекистон миллий терма жамоаси мамлакатимиз тарихида биринчи бор Осиё Кубоги баҳсларининг ярим финал йўлланмасини қўлга киритди. Иордания билан кечган баҳснинг биринчи бўлимида ҳисоб очилмади. Иккинчи бўлимнинг дебютидаёқ Бақоев ҳисобни очди. Жарима тўпи белгиланди, уни Сервер Жепаров амалга оширди, тўп қозоғистонлик тўпурарнинг бошига тегиб, Шофий дарвозасига бориб тушди. Орадан икки дақиқа ўтиб яна тўп киритдик. Жасур Ҳасанов чап қанотдан тўпни узатди, рақиб ҳимоячисини ортда қолдирган Бақоев тўпни хотиржамлик билан Шофийнинг яқин бурчагига йўллади.





58-дақиқада Иордания терма жамоаси футболчилари битта тўп киритишди. Рақибларимиз бурчак тўпини амалга оширишди. Ушбу вазиятда ҳимоячиларимиз керагидан ортиқча хотиржамликка йўл қўйишди ва Нестеровни салкам беш нафар иорданиялик футболчи қаршисида ёлғиз қолдиришди. Ҳаводан келаётган тўпга биринчи бўлиб Амир Дийб бош билан зарба берди, Нестеров икки метрлар масофадан йўлланган бу зарбани қайтарди, аммо қайтган тўпга ҳаммадан биринчи бўлиб иорданияликлар сардори Башар Бани Ёсин етиб келди ва аниқ зарба йўллади.

**ЎЗБЕКИСТОН – ИОРДАНИЯ – 2:1**

**Голлар:** Улуғбек Бақоев (46, 49) – Башар Ёсин (59)

Ўзбекистонлик мухлислар ярим финалдан ҳам ижобий натижа кутишаётганди. Сабаби, Австралия чорак финалда Ироқни қўшимча вақтлардагина мағлуб эта олганди. Аммо якунда бундай бўлиб чиқмади. Оддий хатолар туфайли жуда қайғули мағлубиятга учрадик.

**ЎЗБЕКИСТОН – АВСТРАЛИЯ – 0:6**

**Голлар:** Кюэлл 5, Огненовски 34, Давид Карней 65, Эмертон 74, Валери 82, Круз 83

Учрашувдан кейинги матбуот анжуманида терма жамоамиз бош мураббийи Вадим Абрамов вазиятни қуйидагича баҳолади: "Очиғини айтганда, барча ўзбекистонликлар олдида уятга қолдик, бундай шармандали ҳисобда мағлубиятга учрашимизни умуман кутмагандик. Ҳозир бирон нимани изоҳлаб беришга ҳам ожизман. Чунки ҳалигача тушунмаяпман, ўзи нималар бўлиб ўтди? Биз шунчалик ёмон ўйнадикми? 6:0 ҳисобидаги мағлубиятга лойиқмидик? Рости шу каби саволларга жавоб тополмаяпман. Ҳеч нимага тушунмаяпман. Мусобақанинг шу босқичигача босиб ўтган муваффақиятли йўлимиз мана шундай тарзда йўққа чиқишини тасаввур ҳам қилолмайман".

Бугун 3-ўрин учун майдонга чиқамиз. Бу баҳсдаги рақибимиз Жанубий Корея бўлади.

## Ёш теннисчи иштироки



Австралиянинг Мелбурн шаҳрида теннис бўйича «Катта дубулға» туркумига кирувчи "Australian Open-2011" мусобақасининг ўсмирлар ўртасидаги беллашувларида истеъдодли теннисчимиз Сабина Шарипова яккалик ва жуфтлик беллашувларида иштирок этди.

Умидли спортчимиз яккаликлар мусобақасининг дастлабки босқичида Янги Зеландия вакиласи Эмили Феннингни 6:4, 6:3 ҳисобида мағлубиятга учратди. Кейинги даврада россиялик Маргарита Гаспаряндан 6:4, 1:6, 6:2 ҳисобида устун келган Сабина чорак финал йўлланмаси учун ўтказиладиган навбатдаги баҳсда франциялик Каролина Гарсиядан мағлуб бўлди.

Жуфтликлар беллашувида японниялик Аяка Окуно билан бирга ўйнаётган ҳамюртимиз мезбон теннисчилар – Саманта Харрис ва Стефани Стожични 6:2, 6:3, словениялик Настя Колар ва черногориялик Данка Ковинични 6:4, 6:4 ҳисобида енгиб, чорак финалга йўлланма олди. Аммо бу босқич тўсиғини енгишга сербиялик Наталя Костич ва беларус Нона Кремен тўсқинлик қилди.

## Самбо: халқаро турнир якунлари

Бекобод шаҳрида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Владислав Ли ҳамда спорт устаси Родион Канн хотирасига бағишланган халқаро турнир ўтказилди.



Мусобақалар 10та вазн тоифаси бўйича ўтказилди. Унда ҳамюртларимиздан ташқари, Қозоғистон, Россия ва Тожикистондан 1993-94 йилларда туғилган номзодлар қатнашди.

Ўзбекистонликлардан Азим Мадраимов (45 кг), Раҳмон Бойтўраев (65 кг), Азиз Ҳотамов (70 кг) биринчи ўринни, Карен Багдасарян (56 кг), Ҳумоюн Эргашбеков (60 кг), Павел Когут (70 кг) эса иккинчи ўринни эгаллладилар.

## «Интер» – МДҲ Кубоги-2011 ғолиби

Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган МДҲ кубоги ўз ниҳоясига етди.

Финал учрашувида Бокунинг "Интер" клуби Беларуснинг "Шахтёр" жамоасини мағлуб этиб, кубок соҳибига айланди. Асосий вақт 0:0 ҳисобида якунланганди. Пеналтилар баҳсида ҳисоб 6:5 бўлди.

## Ўзбекистон Олий лигаси 6-ўринда

Халқаро футбол тарихи ва статистика федерацияси (IFFHS) Осиё қитъасида сўнгги 10 йилнинг энг кучли миллий чемпионатлари рейтингини эълон қилди. Унга кўра, XXI асрнинг энг яхши чемпионатлари орасида Ўзбекистон Олий лигаси 6-ўринни эгаллади.

Ушбу рейтинг 2001 йилдан 2010 йилгача бўлган расмий натижалар асосида тузиб чиқилган. Австралия футбол федерацияси 2005 йилда ОФКга ўтгани учун ушбу мамлакатнинг натижалари 2006 йилдан бошлаб инобатга олинган.

Япония Жей лигаси Жанубий Корея ва Саудия Арабистони чемпионатларини ортда қолдириб, энг юқори ўринни эгаллаган.

Осиёнинг XXI асрдаги энг яхши миллий чемпионатлари рейтинги ўнлиги:

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. Япония | 3.693,5 | 6. Ўзбекитон | 2.690,0 |
| 2. Жанубий Корея | 3.376,5 | 7. БАА | 2.526,5 |
| 3. Саудия Арабистони | 3.125,0 | 8. Қатар | 2.462,5 |
| 4. Эрон | 3.019,5 | 9. Кувайт | 2.446,5 |
| 5. Хитой | 2.881,5 | 10. Сурия | 2.196,5 |

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига асосан:

"GULBOG' ALOQA SERVIS" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент вилояти) аризасига мувофиқ:

- маҳаллий телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002669 рақамли;
- шаҳарлараро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002670 рақамли;
- халқаро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002671 рақамли;

"FAYZ TELEKOM" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ маҳаллий телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002146 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2011 йил 24 январдан тугатилди.

"LINARA-SPUTNIK" хусусий корхонасининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ теледастурлар тарқатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш (кабелли телевидение) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001923 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2011 йил 24 январдан тугатилди ва мазкур лицензиянинг муддатига мос равишда теледастурлар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш (кабелли телевидение) бўйича фаолиятига лицензия расмийлаштириб бериш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Тошкент ахборот технологиялари университети ва университет бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси жамоалари "Маълумотларни узатиш тармоқлари" кафедраси ассистенти Муродилложон Йўлдошевга отаси

**Дадамирзо ЙЎЛДОШЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент ахборот технологиялари университети ва университет бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси жамоалари Телекоммуникация факультети декани ўринбосари Шуҳрат Жабборовга отаси

**Йўлдош отанинг**

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

ISTIQLOL INSHOOTLARI

# Мангуликка дахлдор

*Жаҳон тамаддунига улкан ҳисса қўшган кўҳна ва навқирон шаҳарлардан бири — XXV асрдан зиёд тарихга эга Бухоро қадим-қадимдан илму маърифат ва маданият маскани сифатида эътироф этиб келинган. Кўҳна тамаддун ўчоғи бўлган бу шариф шаҳарда мустақиллик йилларида рўй берган мислсиз ўзгаришлар ана шу умумбашарий эътирофнинг мантиқий бир давоми эканлиги ҳам ўз-ўзидан аён. Айниқса, ўтган 2010 йилда бу ерда бунёд этилган умумий майдони 107 гектардан иборат Бухоро маданий марказида бўлган киши қадимий шаҳарда инсоннинг беназир ақл-заковати, улкан салоҳияти шарофати билан асрлар давомида қад ростлаган осориатиқалару ёдгорликлар қаторига яна битта гўзал ва бетакрор мажмуа қўшилганига амин бўлади. Чиндан-да шундай. Ушбу маданий марказдан бир йўла учта салобатли иншоот ўрин олган бўлиб, уларнинг ҳар бири бунёдкор халқимизнинг толмас ғайрат-шижоатидан, қўли гул қурувчиларимиз нималарга қодир эканликларидан далолат бериб турибди. Бундай кезларда беихтиёр фахр-ифтихор туйғуларига тўлиб кетасан, киши. Шу муқаддас заминда умргузаронлик қилаётганингдан, бу юртнинг ўзи ҳам, инсонлари ҳам ҳар доим азиз эканлигидан ғурурланасан.*

*Қуйида маданий марказдаги уч иншоотдан биринчиси ҳақида ҳикоя қиламиз.*

## Кўҳна ва боқий Бухоро

Юртбошимизнинг бевосита ташаббуси ва ғояси асосида барпо этилган, баландлиги 18 метрдан иборат дастлабки обида шундай аталган бўлиб, у билан таниша бошлаган ҳар қандай киши, энг аввало, “белбоғ” панорама остидаги зарҳал кошинларга диққатини қаратади. Бу бежиз эмас. Эътиборлиси шундаки, бу кошинлар об-ҳавонинг ҳар қандай шароитида ҳам ўз кўрки-ю жилосини, туб моҳиятини йўқотмайди. Маҳобатли монумент пойида ярқираб турган бу кошинларга нигоҳ ташласангиз, Бухоронинг олтин тупроғини, бу қадим заминда туғилиб ўсган ва башарият тарихида чуқур из қолдирган буюк алломалар сиймосини кўргандек бўласиз. Беихтиёр бу инсонларнинг порлоқ хотирасини ёдга олиб, уларга таъзим бажо айлайсиз.

Табобат олами султони, қомусий илм соҳиби Абу Али ибн Сино, тарихчи Муҳаммад Наршахий, ислом дини ва маданияти пешволаридан бири, буюк муҳаддис Имом ал-Бухорий, тариқат алломаларидан Абдухолиқ Ғиждувоний, Баҳовуддин Нақшбанд, Хўжа Ориф Ревгарий, Хўжа Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хўжа Али Ромитаний, шунингдек, адабиётимиз ва маданиятимизда ўзининг ўчмас изини қолдирган Аҳмад Дониш, Садриддин Айний, Абдурауф Фитрат, Файзулла Хўжаев, Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси мусиқаси муаллифи, беназир бастакор Мутаваккил Бурхонов, халқ артисти Олим Хўжаевлар табаррук номларининг обидада зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилганлиги ҳозирги авлоднинг буюк аждодларимиз пок руҳи олдидаги чуқур ҳурмати ва эҳтироми рамзи ҳисобланади.



Монументда ўзбек, араб ва инглиз тилларида ёзиб қўйилган “Илм ўрганмоқ ҳар бир эркак ва аёл учун фарздир”, деган илоҳий бир калом ўз мазмун-моҳияти билан Баҳовуддин Нақшбанд ҳазратларининг панорамада нақшланган “Дил ба ёру, даст ба кор” (дилинг Аллоҳда бўлсин, қўлинг — меҳнатда) даъватининг ўринли бир қирраси сифатида эзгуликка ошно кўнгиллар томонидан қабул қилиниши ҳам айни ҳақиқат. Монументнинг панорама қисмида ўрнатилган барелефда муҳрланган бир қатор тарихий ва маданий ёдгорликлар тасвирлари ҳам ҳеч кимни бефарқ қолдирмаслиги турган гап. Эрамиздан аввалги даврга мансуб Пойкент, I-VI асрларга оид Варахша ёдгорликлари, исломдан олдин барпо этилган Бухоро Арки, шундан кейинги даврларда бунёд бўлган Мағоки Аттор масжиди, Исмоил Сомоний мақбараси, Минораи Калон, Сайфиддин Бахорзий масжиди бунёдкор халқимизнинг беқиёс маҳорати, қалб қўри ва кўнгил мулки, қолаверса, қадим меъморчилигимиз намуналари сифатида ҳали яна кўп йиллар ва асрлар давомида миннатдор авлодларимизни лолу ҳайрон қолдириш шубҳасиздир.

“Кўҳна ва боқий Бухоро” монументининг марказидан ўрин олган барелеф-ҳайкаллари ҳам киши диққатини ўзига жалб этмай қолмайди. Фарзанд ўстираётган она, ниҳол ўтқазаётган бобо ва невара, уй қураётган ота ва ўғилнинг сиймоларига назар ташласангиз, азалий бир ҳаётий ғояни ҳамда фалсафий бир мазмунни англаб олгандек бўласиз. Дарҳақиқат, ҳаёт — ўткинчи. Чархи кажрафтор ўзининг инкор бўлмас қонуниятлари асосида тинимсиз айланаверади. Инсон ва унинг эзгу ишларигина барҳаёт ва барқарордир. Хайрли юмушлар, мустаҳкам оила, оқил ва доно фарзанд, неча-неча авлодларга бошпана бўлувчи уй — булар инсон ўз ортидан қолдирувчи, келажак авлодлар ва наслларни янги бунёдкорликларга чорлаб турувчи ҳаётбахш амаллардир.

Монумент тепасида баландлиги 5 метр, умумий вазни 32 тонна келадиган Ер шари тимсоли барпо этилган. Унда мустақил Ўзбекистон харитаси яққол кўзга ташланиб турибди. Бу — она юртимиз истиқлолга эришгач, жаҳонга юз бурганининг, дунё ҳамжамиятидан ўз ўрнини топганининг аниқ ифодасидир.

*(Давоми бор.)*

***Асқар ИСТАМОВ***

BILIMINGIZNI SINAB KO‘RING

Юртимиздаги қайси шаҳарлар орденли шаҳарлар ҳисобланади?

“Xabar”нинг 1(955)-сонида эълон қилинган “Ўзбекистоннинг биринчи почта маркасида кимнинг сурати акс эттирилган?” саволига жавоб:

— Мамлакатимиз биринчи почта маркасида ўзбек шоираси Нодирабегим (Моҳларойим) сурати акс эттирилган. Унинг муаллифи мусаввир Ш.Ҳасановадир.

***Сорахон ҚУЛМАТОВА***
***Тошкент вилояти***

### БОШИДАН ЎТКАЗГАН ТАБИБ

Мавлоно Жалолиддин Румий ҳазратларининг ёнига бир киши фарзандини етаклаб келди ва деди:

— Ҳазратим, ўғлим одобли, билимли, ақлли. Лекин унинг менга ёқмайдиган бир одати бор, шундан қайтара олмаяпман. У хурмони жуда кўп ейди. Бу унинг саломатлигига зарар қилмасмикан, деб қўрқаман. Илтимос, ўзингиз бир насиҳат қилсангиз. Зора, хурмо ейишни камайтирса.

— Маъқул, — дедилар мавлоно Румий. — Мен ўғлингизга, албатта, насиҳат қиламан. Фақат йигирма кундан кейин олиб келсангиз.

Ҳалиги киши ҳайрон бўлганича уйига йўл олди. Орадан айтилган муддат ўтгач, ўғли билан яна келди. Шунда ҳазрат болага қараб:

— Ўғлим, кўп хурмо ейиш инсон соғлиғига зарар қилиши мумкин. Уни камроқ егин, — дея танбеҳ бердилар.

Ажабланган ота ҳайратини яшира олмади ва сўради:

— Тақсир, шу гапни йигирма кун илгари ҳам айтсангиз бўлардику!

Мавлоно кулиб юбордилар ва дедилар:

— Йигирма кун аввал ўзим ҳам хурмони кўп ер эдим. Ўғлингизга бу ишни ман қилишдан олдин ўзим ҳам шунга муносиб бўлмоғим керак эди. Ўзингиз ўйлаб кўринг, ўзим хурмони истаганча еганим ҳолда қандай қилиб бошқаларга уни кам емоқликни тавсия этишим мумкин. Айтадилар-ку, табиб табиб эмас, бошидан ўтказган табиб, деб.

Xabar

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусаид КЎЧИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ҳаким МУҲИТДИНОВ (Ҳайъат раиси), Асаджон ХЎЖАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Шуҳрат СОДИҚОВ, Шуҳрат АТАМУҲАМЕДОВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
**Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.**
Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

**Тижорий материал — Ⓣ**
Реклама матнларининг тўғрилигига таҳририят жавобгар эмас.
Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

МАНЗИЛИМИЗ:
**100043, Тошкент,**
**Бунёдкор шоҳкўчаси, 8-уй.**
**Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.**
**Факс: 288-40-72. E-mail: *info@xabar.uz***

*Обуна индекси — 228.*

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: **Аслиддин БЎРИЕВ.**
Навбатчи: **Лутфилло ТУРСУНОВ.**

**Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.**

**Газета ҳафтанинг жума куни чиқади**

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
**Манзил:** Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

G-102 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 18302 нусха.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Вилоят мухбирлари:

| Андижонда | Бухорода | Гулистонда | Жиззахда | Навоийда | Наманганда | Нукусда | Самарқандда | Термизда | Тошкентда | Урганчда | Фарғонада | Қаршида |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 226-47-80 | 223-27-85 | 40-12-19 | 226-06-34 | 225-91-10 | 226-61-85 | 554-35-45 | 233-61-81 | 224-06-12 | 288-40-66 | 226-37-16 | 226-87-71 | 314-08-99 |